



Аникроги, бу чивин ўзи билан ўта юкумли ва огир касаллик — Гарбий Нил безгаги вирусини олиб келган ва бу хасталик энгилмас саркардани хаётдан олиб кетган экан. Америкалик тадкикотчилар — Виржиния штати согликни саклаш департаменти эпидемиологи Джон Марр ва Колорадо штати университетининг юкумли касалликлар бўйича мутахассиси Чарльз Кэлишер шунга каттик ишонишмоқда. Улар бу фаразларини юкумли касалликларга багишланган «Emerging Infectious Diseases» ахборотномаси саҳифаларида илмий жихатдан асослаб беришган. Майли, бу масалага хали кайтамик, хозирча эса империянинг таназзулига сабаб бўлган ўша ўлим тафсилотларига тўхталсак.

Ўшандан бери ўтган деярли икки ярим минг йиллик муддат ичида буюк саркарда тўгрисида юзлаб, хатто минглаб китоблар ёзилган. Бу масалага багишланган барча жиддий тадкикотлар антик давр тарихчиларининг ёзиб колдирган асарларига суяниб олиб борилган. Ўша кадимий тарихчилар эса Александр саройи кундаликларидан ва унинг лашкарбошилари китобларидан фойдаланиш хукуки ва имкониятига эга эдилар. Аммо бу кўхна кундалик ва солномалар илк манбалар бизгача етиб келмаган. Мазкур тарихнавислар — биринчи навбатда куйидагилар эди: Квинт Энний Флавий Арриан (тахминан эрамизнинг 95-175 йилларида яшаган), Плутарх (тахминан 45-127 йиллар) ва Диодор Сицилийский (тахминан эрамиздан аввалги 90-21 йиллар). Уларнинг учаласи ҳам Афина хокими Гегесий томонидан уюштирилган 114-олимпиада ўйинлари даврида — Десий ойида бўлиб ўтган воқеаларни деярли бир хил тарзда тасвирлашган. Бу кўрсатилган вақтхозирги хисоб бўйича эрамиздан аввалги 323 йил май ойининг охирлари, июннинг бош-ларида тўгри келиб, ўшанда касаллик маглубият нималигини билмас Александрнинг хаётини икки хафтадаёк поёнига етказиб кўйганди.

Безгак умуман кутилмаганда бошланди: бу пайтда Бобилда шохона зиёфат авжида бўлиб, бир неча кундан сўнг Искандарнинг кўшини Арабистон оркали Гарбга юриш бошлаши режалаштирилганди. Шу мақсадда Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги провинцияларда сон-саноксиз кемалар Италия, Сицилия, Иберия ва Африкани забт этиш учун жанговар сафарга тайёрлаб кўйилганди. Бобилда жойлашган флот эса Африкани жанубдан айланиб ўтиб, Геркулес устунлари оркали Ўрта Ер денгизига кириб келиб, Карфагенга гарбдан хужум қилиши керак эди. Кўхна тарих бунчалик катта харбий амалиётга гувоҳ бўлмаган; замонамизнинг йирик тарихчиларидан сэр Арнольд Тойнби ўзининг «Ўшанда Александр ўлмаганида эди...» деб номланувчи хикоясида шунга ишонч хосил қиладики, Ўрта Ер денгизи хавзаларини забт этиб бўлгач, у Хиндистон фатҳини

хам тугатиб, ўз империясига Хитойни ҳам кўшиб олган бўларди. Ахир, ўшанда у хали 32 ёшда эдида.

Хулласи калом, холдан тойдирувчи безгакнинг биринчи хуружидан кейин навбатдагилари бостириб кела бошлади. «Касаллик зўрайди; табибларни чакиришди, лекин Хеч ким хеч бир восита билан ёрдам бера олма-ди», дея ёзади Диодор. Харбий сафар буйруги бекор килинди. «У саркардаларини танирди, аммо уларга хеч нарса деёлмасди; аллакачон унинг овози чикмай колганди», дея таъкидпайди Арриан. «Дастлаб, унинг захарланганига хеч ким шубҳа килмаганди», дея гувоҳлик беради Плутарх.

Александрии текширган табибларнинг барчаси ўша пайтда унга факат безгак ташхисини кўя олишган. Ярим олам хукмдори бўлмиш бу жахонгирнинг ичадиган шаробига зиёфатда захар кўшиб берилганлиги, бу ишга гўёки унинг устози Аристотель (Арасту) ҳам аралашганлиги хақидаги гап-сўзлар эса орадан олти йил ўтгачгина пайдо бўлган. Бу «миш-миш»лар туфайли кўпчиликни катл этишган (файласуф Арасту шогирди ўлимидан бир йил ўтиб вафот этганди). Захарланиш тўғрисида ёзаркан, Арриан шундай дейди: «Мен буларни билганим учунгина ёзяман, бу хабарга ишонганим учун эмас». Плутарх ҳам бунга ишора килган: «Захарлаш воқеасини кўпчилик уйдирма деб хисоблайди». Захарларнинг айрим турларигина тана хароратининг ошишига сабаб бўлади, узок муддатли безгак келтирувчи захарлар эса ўша пайтларда маълум бўлмаган, дея изох беришади Марр ва Кэлишер юкумли касалликлар ахборотномасида:

Ўша пайтдаги манбаларда Александрнинг ўзи хақида ёзиб колдирилган маълумотларга таянган кейинги айрим мутахассислар унинг тиф (ичтерлама)га чалинганлигини тахмин килишади, бироқ, тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, бу касаллик ўта юкумли; унинг Бобилда кенг тарқалганлиги хақида сарой йилномачилари хеч нима ёзиб колдирмаганлар. Марр ва Кэлишер шунга асосланиб, грипп, малярия, шистосоматоз, туляремия, энцефалит, эндокардит каби бир катор касалликлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини келтиришади.

Шу пайтгача аввалги тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб ке-лаётган Плутархнинг куйидаги кайдлари янги версия муаллифларининг диққатини ўзига жалб этди: «Шахарнинг (Бобилнинг) дарвозаси олдига келиб, у қаргалар тўдасини кўрди; улар хар томонга учишар ва бир-бирларини чўкишарди. Бир нечта куш унинг ёнига тушди». Айнан мана шу икки жумла туфайли тадқиқотчилар Гарбий Нил безгаги хақида ўйлаб қолишди. Чунки бу юкумли касаллик нафакат инсонларга, балки кушлар, айникса, қаргалар тўдасига ҳам хужум килади.

Тиббиётчилар ўз тахминларини ГИДЕОН (GIDEON — умумжаҳон юкумли касалликлар ва диагностика тармоги) номли электрон ташхис дастурида текшириб кўриш-ди. «Биз Александрдаги барча симптомларни киритиб, кушлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам кўшганимизда жавоб юз фоиз Гарбий Нил безгаги касаллигини тасдиқлади», — дейди Кэлишер «Nature» журнаliga берган интервьюсида. Бунгача Александр ўлимини текширган олимларнинг бу касалликни аниқлай олмаганларининг сабаби оддий: Гарбий Нил безгаги касаллиги 1999 йилда, тасодифан АКШ худудларига келиб колгандан

кейингина жaxonга маълум бўлган. Ўтган йилнинг ўзида бу касаллик вируси 240 нафар америкаликни хаётдан олиб кетди, бу безгакка чалинганлар сони эса, мамлакат Согликни саклаш министрлиги берган маълумотга кўра, 9000 нафарга якинлашади.

Мазкур касаллик Осиё ва Африканинг кўплаб мамлакатларида аввалдан таркалиб турган, бироқ 1937 йилга келибгина Угандада унинг тавсифи ишлаб чиқилган. Ирокдаги чивинларнинг уч тури ушбу вирус ташувчилари хисобланади. Бу касаллик уч кундан то уч хафтагача давом этиши мумкин, унинг инкубацион даври ҳам худди шундай. Дарвоқе, Арриан берган маълумотга кўра, Мидиядан Бобилга кайтган Александр кўлларда «кемани ўзи бошқарган холда» суз-ган. Мазкур кўллар атрофидаги боткокликлар эса вирус ташувчи чивинларнинг кўпайиш жойи хисобланади. Безгак одатда факат организми нимжонланиб қолган кишиларнигина ўлимга олиб келиши мумкин. Аммо илгари ҳам ичишни қанда қилмай келаётган ёш подшо ўз умрининг кейинги ойларида шароб ичишда меъёрдан умуман чиқиб кетганди; мунтазам шаробхўрлик эса нафакат жангу жадалларда чарчаган, балки одатий юмушлар билан банд бўлган кишининг ҳам баданини толиктириб кўяди.

Албатта, бошқаларнинг сўзига ишонган холда аниқ ташхис кўйиш унчалик тўғри эмас. «Аммо Марр ва Кэлишернинг тахминлари жуда мантикли ва ишонарли кўринади», дейди Род-Айленд университети эпидемиологи Томас Мейтер «Nature» мухбирига.

Шохнинг ўлиmidан сўнг унинг саккиз нафар кўмондони (диадохлари) империяни ўзаро тақсимлаб олишди. Александр ўзини Мисрнинг Сива воҳасидаги илох Амон Ра эҳромига дафн этишларини хоҳлаганди. Аммо Мисрга эга чиққан Птолемей ўз пойтахти Александрияда унга мавзолей қурдирди. Макбара мазкур шаҳарга асос солган, маъбудлар билан тенг тутилган ҳукмдорга муносиб тарзда қойилмақом қилиб қурилган. Кейинчалик зиёрат қилган Юлий Цезарь бу макбарага қимматбаҳо тухфалар бахш этган. Император Август Александрнинг бошига тилла гулчамбар кўйдирган. Император Калигула бўлса, аксинча, подшонинг кўкрак бегагини ўзлаштириб олиб, тантанали маросимларда уни тақиб юрган. Бу макбарага Рим императорларидан сўнгги бора эрамининг 215 йилида Каракалла ташриф буюриб, ўзининг шохона тўни ва қимматбаҳо безакларини ҳадя этган.

Шундан кейин бу макбара тўғрисида ишонарли маълумот учрамайди. 392 йилда Византия империясида христианлик давлат дини даражасига кўтарилгач, Апександрияда ҳам эски динларга мансуб ибодатхона ва меъморий ёдгорликлар йўқ қилина бошлади. Кўпчилик тарихчиларнинг фикрига кўра, 397 йилда Александрнинг макбараси ҳам бузиб ташланган, бироқ бу факни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ. Афсоналардан бирида айтилишича, Македонскийнинг мумиёланган жасади солинган тобут Александриядан махфий олиб кетилиб, яшириб кўйилган. Уни қидириш ишлари эса асрлардан бери давом этмокда. Ўтган асрнинг ўзида унинг қабрини топиш учун расмий тарзда 150 га яқин илмий экспедиция ташкил этилган. 1805 йилдан бери етти бора, жумладан, 1990-йилларда ҳам икки марта унинг топилганлиги эълон қилинди. Аммо Александрнинг тобути ҳозиргача топилган эмас.

Хамид ОГА таржимаси
"Парвона" газетасидан